

электр тармоқларига ноқонуний уланши, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

Энергияни ҳисобга олиш приборларини қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан ариштирилганда.

3.17. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.18. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қардорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридида тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.19. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича Энергиянинг умумий ҳажмидан олинмаган қисмига қўшилган қисмига ҳисобланади.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.20. Энергия учун тўлов тарифлари куйидаги ҳолатларда маиший (аҳоли) истеъмолчилари учун белгиланган тарифга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги "Оилавий талбиркорлик тўғрисида"ги ЎРҚ-327-сонли қонунига мувофиқ "Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтининг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, Истеъмолчи Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича тўловни амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда иқтисодий қўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида"ги 364-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф сонли Фармойишига қўра ҳудуддаги диний ташкилотлар Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича ҳақ тўлайдилар.

3.21. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори куйидаги текширувлардан ўтказилади:

а) даврий қиёслаш-ушбу турдаги ҳисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш оралиғи муддати тугаганда;

б) навбатдан ташқари қиёслаш –ҳисобга олиш приборига зарар етказилганда, пломбаси бузилганда, қайта дастурлаш зарурияти юзага келганда;

в) эксперт қиёслаш-ҳисобга олиш приборининг созлиғи, унинг фойдаланишига яроқчилиғи, шунингдек, метрологик хусусиятларининг норматив ҳужжатлари талабларига мослиғи бўйича низоли масалалар юзага келганда.

3.22. Энергияни ҳисобга олиш приборларини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сонли қарори талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳисобга олиш приборини даврий қиёслаш "Ўзстандарт" агентлиғи томонидан белгиланган муддатда истеъмолчи ҳисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиғи тўрт йилни ташқил этади.

3.23. Навбатдан ташқари ва эксперт қиёслашлар Бюро ташаббуси билан ёки бошқа ваколатли орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматларини Бюро Қорхона томонидан тўланади.

Томонлар электр тармоқларининг биланс мансублиғи
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. "Истеъмолчи"нинг билансда куйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво линиялари ✓

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТН-154 КВА

2. Истеъмолчи ва Қорхона ўртасидаги электр тармоқларининг биланс бўйича мансублик чегараси _____

3. Улардан куйидагиларга:

а) Икки ва бешинчи элементларнинг эълони қўри _____
_____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) Бўшақ хизмат кўрсатиш _____

Истеъмолчи билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти қорхонаси ходим-лари томонидан хизмат кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди: Биланс мансублиғи

тегерачи бўйича
қилинади

Истеъмолчи _____
М.Ў. _____ (ИМЗО)
Қорхона _____
М.Ў. _____ (ИМЗО)

Вазирлар: _____
_____ (Ф.И.Ш.)
А. Мирзасев _____
_____ (Ф.И.Ш.)

